



ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК БУЊЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Тошкент шаҳрида қуриб битказилган Олимпия шаҳарчаси, Юқори Чирчиқ туманидаги Миллий футбол маркази фаолияти ҳамда янги туризм инфратузилмаси объектлари билан танишди.



Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳаларда кенг қўламли изчил ишловлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасини янги ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, тадбиркорлик субъектлари сони кARRасига

ортаётгани, саноатдаги юқорилаш, камбағаллик даражасининг пасайиши каби муҳим йўналишларда кўрмоқдамиз.

Мустақиллик халқимизга ана шундай эркинлик ва рўшнолик олиб келганини бугун

кўп ёдга олмоқдамиз. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами шуқуҳ кезиб юрибди. Байрам олдидан турли ижтимоий соҳа объектлари ва

бошқа иншоотлар қуриб битказилмоқда. Бу халқимизга хос қадрият — тўйга тўёна.

Пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида ҳам ана шундай байрамона руҳ ҳукмрон. Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага ташриф буюрди.

Унинг қурилишига 2022 йил 9 ноябрда тамал тоши қўйилган эди. Ушунда давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланиши, мезморий жиҳатдан мукамал, энергия тежамкор ва энг илгор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлишини таъкидлаганди.

Шундай ҳам бўлди — қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда муҳташам мажмуа қад ростлади. Қарийб 290 миллион долларлик ушбу ноёб лойиҳа “СAМC Engineering” компанияси томонидан халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилди.

Шаҳарчада 5 та асосий спорт мажмуаси жойлашган.

Хусусан, Велодром мураккаб муҳандислик ечимлари асосида, ўзига хос дизайнга қурилган. Унинг ёғоч қопламаси сифати, траекторияси ва бурилиш бурчаклари Халқаро Олимпия кўмитаси талабларига жавоб беради. Жумладан, йўлак энг мухташам дараклардан ясалган, қаватма-қават ётқизилган. Бу сифат мунтазам сақланиши учун велодромда йил давомида бир хил ҳарорат таъминланади. Ҳатто велоспортчиларга ҳаво қаршилигигагина инobatта олинган.

Трека ёруғлик бир хил ва тенг даражада тушади. Бу спортчиларга қулайлик бўлиши билан бирга томоша ва телевизион трансляция меъёрига ҳам мос. Уриндиклар 2 минг 200 кишига мўлжалланган. Халқаро Олимпия кўмитасининг янги талаби бўйича томоша жойларига химоя тўсиғи ўрнатилган.

Шунингдек, мажмуа кўп функцияли бўлиб, бу ерда стол тенниси, қиличбозлик бўйича мусобақа ва машғулотлар ўтказиш

ҳам мумкин. Бундай даражадаги велодром Ўзбекистонда биринчиси.

Мутасаддиларга ҳудудларда шaroит яратиш, велоспортни ривожлантириш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз стол тенниси ҳаммабop, арзон ва қулай спорт эканини таъкидлаб, ҳар бир мактаб ва маҳаллада уни оммалаштириш, анжомларини ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шаҳарча марказида 12 минг ўринли стадион жойлашган. Халқаро турнирлар пайтида бу ерда тантанали маросимлар ташкил этилади. Асосийси, яшил майдон ва 9 қаторли югуриш йўлагига энгил атлетиканин 48 та йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилади. Жумладан, жаҳон чемпионати, Бриллиант лигаси, параатлетика баҳслари, кўзи оғизлар ўртасида IBSA ўйинларини ташкил этиш мумкин. Бошқа пайтларда стадиондан маҳаллий ўқув-йигинлар, амалий машғулотлар орқали дуал таълимда фойдаланилади.

Стадиондаги тўрт қаватли бинода терма жамоалар мутахассислари ва спорт федерациялари фаолият юритади.

Энгил атлетика ва пара спорт турлари аҳоли саломатлигини мухташамлашда жуда самарали. Олимпия ва Осиё ўйинларида улар бўйича дастур ҳам кенг. Лекин юртимизда бу имкониятлар тўла ишга солинмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, энгил атлетиканин барча йўналишларини ривожлантириш бўйича топшириқ берилди. Унга кўра, вилоятлардаги стадионлар реконструкция қилиниб, энгил атлетика учун шaroитлар яхшиланади, хориждан мураббийлар олиб келинади, спортчилар маҳоратини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

Улкан сув спорти саройи ҳам замонавий ва қулай. Унда 25x50 метрли сузиш ва 25x20 метрли сувга сакраш ҳавзалари, машғулотлар учун бассейни ва тренажёр заллари бор. Барча шaroитлар ва ўқимлар халқаро олимпия стандарти талабларига жавоб беради.

Яқинда “World Aquatics” федерацияси делегацияси мажмуани кўриқдан ўтказди ва бунни тасдиқлади. Яъни бу ерда сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полоси бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия дастуридаги нуфузли мусобақаларни ташкил этиш имконияти бор. Уларни 2 мингдан зиёд мухлислар томоша қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари сув спорт турларини ривожлантириш, халқаро турнирларда натижаларни яхшилаш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Жамоавий ва яккакураш спорт турлари мажмуалари ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган. Уларнинг ҳар бири уч қаватли, 2 минг ўринли. Жумладан, биринчисида волейбол, баскетбол ва гандбол бўйича машғулот ҳамда халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин. Яккакурашлар мажмуаси дзюдо, бокс, таэквондо каби спорт турларини ривожлантиришга асос бўлади.

Президентимиз шу ерда спортчилар билан суҳбатлашди.

— Халқаро мусобақаларда байрогимизни баланд кўтариб, мамлакатимиз ривожини намойён этишлар, спорт тибийети илмий-амалий маркази қурилиши ажувий босқичда, далда. Бу ҳаракатларни давом эттириб, болаларни ортингиздан эргаштириб, спортимизни янада юксалтиришининг тилагимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Олимпия шаҳарчасида футбол, волейбол, теннис, чим устида хоккей, энгил атлетика каби 15 та очиқ майдон ҳам барпо этилди.

Бундан ташқари, 400 ўринли паралимпия ётоқхонаси, спорт тибийети илмий-амалий маркази қурилиши ажувий босқичда.

Шаҳарчадаги барча иншоотлар энергия тежамкор бўлади. Автоутиришлар устида қуёш панеллари ўрнатилади.

► Давоми 2-бетда

“ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБАЙЖОН ВА ЕВРОПА: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК” МАВЗУСИДА ЎТАЁТГАН ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Низомий Ганжавий номидаги халқаро марказнинг ҳурматли ҳамраислари! Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни қадимий ва қўзал Ўзбекистон заминида самимий гўлладан гоёт мамнунман.

Биз ўз мамлакатларининг равнақиға, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ишончни мухташамлашға беқиёс ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида самимий раҳбарлардан иборат нуфузли таркибни Тошкентда, бир даврда тўплаш борасидаги ташаббуси учун Низомий Ганжавий номидаги халқаро марказга чўқур миннатдорлик билдираимиз.

Ушбу марказ, улуг ўзбек шоири Алишер Навоий “шоирларнинг султони”, деб таърифлаган буюк озарбайжон мутафаккири Низомий Ганжавийнинг бетакрор ижодий меросини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутиб келаётганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Таъкидлаш кераки, Низомий Ганжавийнинг теран фалсафаси, одам ва олам ўртасидаги уйғунлик ҳамда адолат ҳақидаги ўлмас гоёлари доимо долзарб бўлиб, бугунги мураккаб шароитда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Низомий Ганжавий номидаги марказнинг халқаро кун тартибидаги масалаларини ўрганишдаги фаол иштироки алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг шафелигида ҳар йили ўтказиб келинаётган Глобал Боку форуми халқаро ва минтақавий тараққиётнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун янги гоёлар илгари суриладиган, дунё миқёсида тан олинган нуфузли мулоқот майдонларидан бирига айланди.

Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари, ушбу икки йирик минтақанин Европа билан ҳамкорлик истиқболлари бугунги анжуманин бош мавзуси этиб белгилангани гоёт муҳим, деб ҳисоблайимиз.

Биз бунни ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик жараёнлари жадаллашиб

бораётган Марказий Осиёни жаҳонга янада кенгроқ таништириш, минтақалараро ўзаро боғлиқликни мухташамлаш, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг салоҳият ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашиш учун ноёб имконият сифатида қабул қиламиз.

Таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда Озарбайжон билан ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳидаги муносабатларимиз фаол ривожланмоқда. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди, Давлатлараро олий кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Озарбайжон Марказий Осиё ва Европани боғлашда стратегик кўприк вазифасини бажариб келаётганини ҳам алоҳида қайд этишни истар эдим.

Бугунги форумда қўллаб вақиллари иштирок этётган Европа билан муносабатларимиз ўзининг мутлақо янги ривожланиш даврини бошидан кечираётганини қайд этмоқчиман.

Яқинда биз юртимизда илк бор “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитини ўтказдик. Унда минтақамиз ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Яқин ойларида Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолайимиз.

Биз Европа Иттифоқи ва бошқа шерикларимиз билан биргаликда самарали транспорт-логистика ва энергетика йўлакларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттираимиз. Ишонимизки, ушбу чора-тадбирлар минтақамизнинг Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ҳаб сифатидаги ролини қайта тиклаш имконини беради.

Биз Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевнинг янги умуминтақавий жараёнларни ривожлантиришда иштирок этишга тайёр эканини юқори баҳолайимиз ҳамда унинг

Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё ҳамкорлигини мухташамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрайимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Озарбайжон халқини улкан тарихий ютуқ — яқинда Вашингтонда АҚШ воситачилигида Арманистон билан уч томонлама Қўшма декларация имзолангани билан яна бир бор чин дилдан қўтлайимиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ишловларини қатъий давом эттирмоқда ва биз бу йўлда улкан натижаларга эришдик. “Ўзбекистон — жаҳонга очиқ ва ўзи учун дунёни кашф этаётган мамлакат” деган тамойил ҳаётимиздан мухташам ўрин эгалламоқда.

Биз хорижий ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар билан узоқ муддатли алоқаларни изчил мухташамламоқдамиз, ҳамкорлик уфдларини кенгайтирмоқдамиз, янги илгор гоёлар учун ҳар доим очкизим. Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини изчил давом эттираимиз.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси ҳозирги мураккаб даврда халқаро ҳамжамиятга бебаҳо бойлик — тарққорлик, ишонч ва тараққиётни тақлиф этмоқда.

Бугунги янги шароитда олдимизда ҳамкорлик бўйича кенг уфқлар очилмоқда, ўзаро манфаатли ва икки томонга ҳам фойда келтирадиган масалалар юзасидан биргаликда ишлаш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, деб ҳисоблайман. Бу борада сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз ва келгусидаги ҳамкорлигингизга умид қиламиз.

Бугунги нуфузли учрашувнинг барча иштирокчиларига самарали муҳокамалар ва анжуман ишига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришаётгани, ташаббускорлиги, замонавий билан ва тажрибасини намойён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиши янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани, шунингдек, ўзининг муҳим илмий-амалий ишланмалари ва инновацион лойиҳалари билан бизнес соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони билан

Абдуллоев Камол Талатович — Самарқанд шаҳридаги “Sam Antep Gilam” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Исмоилов Абдулхалим Мамасобинович — Андижон туманидаги “Равон тараққиёт орузи” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Маматджанов Фарход Фахритдинович — “Uztex” тўқимачилик корхоналари гуруҳи директорлар кенгаши раиси

► Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭТИЛЕН ВА ПРОПИЛЕН ПОЛИМЕРЛАРИДАН ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни сифатли ва арзон хомашё билан таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва белгиланган тартибда аниқ техник параметрлар асосида шакллантириладиган рўйхат бўйича республика ҳудудида олиб қириладиган полиэтилен гранулалари учун акциз солиғини 2025 йил 1 сентябрдан 2018 йил 1 январга қадар ноль ставкада қўллаш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

2. 2028 йил 1 январга қадар айрим этилен полимерларининг бирламчи шакллари (ТИФ ТН коди 3901 10 900 0, 3901 30, 3901 40) ва пропилен полимерларининг бирламчи шакллари (ТИФ ТН коди 3902 10 000 0) импорт

қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўлланин.

3. Божхона кўмитаси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда мамлакатга сифатсиз контрафакт этилгуван қадқлар (полиэтилен плёнкалар, полипропилен плёнкалар, нотўқима материаллар, полиэтилен қоплар, биг-бэглр ва бошқалар) импортнинг олдини олиш (экс-оффичио принципи асосида) чораларини кўрсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: а) бир ой мuddатда Солик кодексига мазкур қарорнинг 1-бандидан келиб чиқадиган ўзгариш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

б) 2025 йил 1 октябрга қадар полиэтилен гранулаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар учун акциз солиғи солинишида импорт билан тенг шароитлар яратиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тадбиркорлик субъектларига етказилиши ҳамда тўшатирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юксалин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 18 август

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК БУЊЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ

Бошланиши 1-бетда

Олимпия шаҳарчаси — мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машгулот маркази.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 18 ноябрда Олимпия шаҳарчаси қурилиши билан танишув чоғида айтган эди.

— Бу ерда машгулотлар билан бирга спорт таълими, илми, тиббиёти муассасаси бўлиши зарур. Яъни бу жой мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машгулот маркази бўлади, — деган эди давлатимиз раҳбари.

Шунга мувофиқ, шаҳарчада Спорт вазирлиги, Антидопинг агентлиги, Давлат спорт академияси, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти, Спорт турларини ривожлантириш маркази ҳам жойлаштирилган.

Бу галги таширф чоғида Олимпия шаҳарчаси инфратузилмасидан самарали фойдаланиш режалари, спорт ташкилотларининг жойлашуви ва фаолияти бўйича ахборот берилди.

Авалло, шаҳарчада халқаро даражадаги мусобақалар ўтказилади. Иншоотлар ундан кейин ҳам бўтбақ қолмайди. Мамлакатимиз тарма жамоаларининг ўқув-машгулотлари ташкили этилади. Федерациялар спорт мактаблари билан боғланади.

Худудда ва мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шугулланиши мумкин бўлади.

Президентимиз шу ерда соҳа мутасаддилари ва спорт федерациялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

— Аввало, спортчиларимиз ва федерацияларни мана шундай маскан билан таъриқлаймиз. Бу билан ёш авлод саломатлиги, бўлакча ютуқларга қатта пайдовор қурдик. Лекин бу ишининг энг осони. Қийини — спорт

турларини оммалаштириш, профессионал спортчиларни тайёрлаш. Биз спортни ҳам саломатлик, ҳам натижадорлик нуқтан назаридан ривожлантириб борамиз. Худо хоҳласа, бундай Олимпия шаҳарчалари вилоятларда ҳам қурилади. Асосий мақсад — ёшларимизнинг соғлом ва баркамоллиги, — деди давлат раҳбари.

Маълумки, 2024 йилда Парижда ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида ҳар икки йўналишда 13-ўринни эгаллаган эди. Энди олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, келгусидаги мусобақаларда натижаларини ошириш мақсад қилинган.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 8 июлдаги қарори билан Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қабул қилинди.

Бу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия қўмитасининг 14 та худудий бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус вакили этиб белгиланди. Ҳар бир худудда Спорт вазирлиги ва Олимпия қўмитасидан маъсуллар бириктирилди.

Иктидорли спортчиларни энг кўйи бугундан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия қўқчилари” мусобақаси йўлга қўйилди. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида “Президент Олимпиадаси” сифатида ўтказилади. Ҳали бундан ташқари спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёрланади.

Республика олимпия ва паралимпия марказининг фаолияти миллий тарма жамоалар

захирасини яратишга қаратилди. Ўқув-машгулотлар ўтказиб бориш учун Олимпия шаҳарчаси иншоотлари марказга бегараз асосда бириктирилди.

Шунингдек, атлетлар захирасини кенгайтириш мақсадида хусусий спорт клублари фаолияти таъминлаштирилиб, расмий мусобақалардаги иштироки таъминланди. Юқори натижа кўрсатган спортчилар миллий тарма жамоаларга қабул қилиниши мумкин бўлади.

Президентимиз спорт турларини оммалаштириш масаласига алоҳида урғу берди.

— Мардлик, курашчанлик халқимизнинг қониди бор. Одамларимиз спортни яхши кўради. Буни қўллаб-қувватлаб, маҳаллаларда спортни янада оммалаштириш керак. Бунинг учун жойларда шароит бор. Яна қурагимиз. Натижа ҳам оммавийликдан қелиб чиқди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга соҳани рақамлаштириш, спорт федерациялари фаолиятини кучайтириш, натижадор спорт турларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган Миллий футбол марказини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари икки йил олдин бу ерга таширф буюриб, мавжуд стадионга тўташ худудда замонавий мажмуа бунёд этиш зарурлигини айтган эди. Кўп ўтмай, 2023 йил 3 ноябрда “Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳақда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган мазкур марказ бунда жуда муҳим бўғин. Бу ерда бир вақтининг ўзиде 6 та тарма жамоамизнинг ўқув-машгулот йиғинларини ўтказиш имконияти бор. Бунинг

учун стадионлар, ўқув бинолари, спорт заллари, меҳмонхона барпо этилган. Пляж футбол майдони, футбол манежи, бассейн ва реабилитация бўлими қўшимча қўлайликлар яратган.

Мажмуада профессионал футболчи ва мутахассисларни тайёрлаш учун тўртта тузилма ташкил этилди. Булар — Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, Футбол тарма жамоалари тайёрларлик маркази, Республика футбол академияси, Спорт тиббиёти ва реабилитация марказидир.

Президентимиз уларда яратилган шароитлар билан танишди.

Футбол тиббиёти ва реабилитацияси бўлимига хорижий усуналар олиб келинган, энг илгор услублар ўзлаштирилган. Бу футболчиларга қисқа вақт ичиде жисмонан тикланиш имкониятини беради.

Футбол академиясида ёш истеъодлар сараланиб, тарбияланади. Буни халқаро даражада ташкил этиш учун марказга Аргентина, Венгрия ва Хорватия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган. Улар малакали мураббий, ҳакам, таҳлилчи, селекционер ва футбол менежерларини тайёрлашда иштирок этмоқда. Мажмуада “VAR маркази” ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда спорт фанрилари ва ёш футболчилар билан сўхбатлашди. Ўзбекистонда футбол энг оммавий спорт экани, уни ривожлантириш изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Кейинги йилларда футбол тизими тубдан яхшиланди. Болалар футбол, тўғрақлардан тортиб академиялар, жамоалар, чемпионатга эътибор кўчди. Натижалар бирин-кетин бўй кўрсатмоқда. Уларнинг энг муҳими — Ватанимиз тарихида биринчи марта миллий тарма жамоамиз жаҳон чемпионатида чиққани бўлди.

Яна бир шонли ютуқ апрелда Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогига қўлга

кириштилди. 17 ёшгача бўлган ўсмирлар тарма жамоамиз унда биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олган эди.

Президентимиз ушбу қаҳрамон футболчиларимиз билан учрашиб, уларга меҳр-эътиборини изҳор қилди.

— Биз ҳамма соҳада дунёда муносиб ўрин эгаллашга интиляймиз. Спортчиларимиз бунинг тезроқ еткази олади. Сизлар иродали ғалабаниз билан халқимиз меҳнат қилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсага қодир эканини яна бир бор исботладимиз. Бутун дунё сизнинг тими-солнингизда азму шижоатли, гурури баянда, ҳеч қачон интилишдан қайтмайдиган янги Ўзбекистон авлодини кўрди. Энди футболни ҳозиргидан ҳам икки-уч қарра кўпроқ қўллаб-қувватлаймиз. Сиздек ёшлар халқимизнинг ишончи, Президентнинг қувончсизлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Спортчилар бу шароитлар учун давлат раҳбарига миннатдорлик билдириб, халқимиз ишончини оқлашга ваъда берди.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётган. Барча худудларда сайёҳлар кўпайиб, замонавий меҳмонхоналар ва туризм масканлари барпо этилмоқда.

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғига ёндош қурилган замонавий меҳмонхоналар мажмуаси шу ишларнинг мангитий давомидир.

Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик билан танишуви чоғида мазкур иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Бир пайлар қаровсиз ётган манзиллар бугун обод масканга айланган. 8 гектардан зиёд майдонда 12 та замонавий меҳмонхона, 375 ўринли “Янги Тошкент” конференция зали, 310 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ҳамда очиқ спорт майдони барпо этилган.

Меҳмонхоналарга Қорақалпоғистон ва вилоятлар номи берилган. Улар 3 июлдузи

бўлиб, 5 қаватдан иборат, 62 та хона ва 124 ўринга эга. Мажмуа ягона концепция асосида фаолият юритади ва унинг бошқаруви халқаро тажрибага эга “Leo Hospitality Solutions”, “Radisson Individuals”, “Trademark Collection by Wyndham” каби нуфузли компанияларга топширилади.

Хусусий банклар шу каби мажмуалар бошқарувида шерик бўлиб кириш таклифини билдирди. Давлатимиз раҳбари хизмат соҳалари кенгайтириш, жойларда замонавий масканлар кўпайиши аҳоли фаровонлигига ҳисса қўйишини таъкидлади.

Меҳмонхоналар ресторан, анжуманлар зали ва дам олиш масканлари билан уйғун қурилган хизмат қамровини оширади. Бу ерда юқори даражадаги тадбирлар ҳамда йирик халқаро анжуманлар ўтказилиши ҳам мумкин.

Мажмуада 540 та янги иш ўрни яратилиб, йилга ўртача 55 минг туристга хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Бу ер маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун яна бир локация. Тошкент воҳасида туризм ривожини учун қўшимча туртки бўлади. Мажмуа қурилиши ортидан ён-атрофдаги маҳаллаларнинг инфратузилмаси ҳам яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратди. Бундай кўп тармакли хизматларни бошқа худудларда ҳам кенг йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБЕКОВ,
Абдуллиз РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўза Мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ешанов Зулфат Қадирбергеневич — Қонликўл туманидаги “Zamira Kazayaki” фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси **Жарилқасимов Руслан Хожабоевич** — Шуманай туманидаги “Промсервис Шуманай” хусусий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Исмаилов Нурман Джанабаевич — Чимбой туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, хунарманд-ўтов ясовчи, Қорақалпоғистон Республикаси

Калжанов Сарсенбай Қалбаевич — Нукус шаҳридаги “Jayhun Turan Super Services” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Хабидуллаев Хожиакбар Малик ўғли — Нукус шаҳридаги “Nukus lak-bo‘yoqlari” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Атабеков Шаҳзод Ғайратович — Пахтабод туманидаги “The Bestex” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Ахмедов Равшанбек Алижонович — Қўрғонтепа туманидаги “Оқсув” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Ибайдуллаев Улугбек Қурбоналиевич — Андижон туманидаги “City-Stroy” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Мирзаев Фарходжон Алижонович — Андижон туманидаги “Техно-инноватор” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Монтов Хикматилло Хабибуллаевич — Жалаҳудқум туманидаги “Ulug‘ qidrat sohibi” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Сипарова Светлана Геннадьевна — Олтинкўл туманидаги “Mark Formelle IT” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Эшонқужаева Ноира Жўраевна — Хўжабод туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, Андижон вилояти

Ғайбуллаев Дониёр Ихтиёр ўғли — Шофиркон туманидаги хусусий ўқув маркази раҳбари, Бухоро вилояти

Қуватов Эламон Чориевич — Олот туманидаги “Vuxoto Gold Star Moto” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Равшанов Абдуллизам Хамитович — Когон туманидаги “Парраваншантранс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Сайидова Дилнавоз Шавкатовна — Ғиждувон туманидаги “Ортиқ Дилнавоз” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Тўхтаев Эрдон Исоевич — Бухоро шаҳридаги “Rushan Tekst” масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Файзиев Яхё Шапарович — Ромитан туманидаги “Файз — 2000” фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Чориев Маликбек Муҳаммадович — Бухоро туманидаги “Sledopyt” масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Байхуратов Суннатилла Рахматулович — Жиззах шаҳридаги “Maqsuda Nazokat” масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Джурбаева Комила Мавлановна — Зарбдор туманидаги “Зарбдор зирагачиси гул кўчатларини етиштириш томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Маннонов Умиджон Улугбек ўғли — Жиззах шаҳридаги “Euroasia gilamlari” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

Мўминов Сардор Шухрат ўғли — Зафаробод туманидаги “Tasty Broiler Industry” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Суванова Юлдуз Усмоновна — Жиззах шаҳридаги “Atlant Architects Group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Тожибоев Мақсуд Маҳмудович — Зомин туманидаги “MJN Hous” хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Ходжаев Рустам Махаммадиевич — Бахмал туманидаги “Baxmal Natural Juice” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Астонова Мархаб Хуррамовна — Шахрисабз туманидаги “Hisog mebel” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Аъламов Азимиддин Аслонович — Қасби туманидаги “Saidazimxon” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ганиев Санжар Худойбердиевич — Китоб туманидаги “Воҳа машъали” масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Иногамджанов Даврут Давронович — Кўкдала туманидаги “Cotonella” масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Хуррамов Нодирбек Нормўминович — Миришкор туманидаги “Нормўмин ўғли Нодирбек” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Эштемиров Собир Абдуллаевич — Кўкдала туманидаги “Comfort Industrial Area” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Гаппаров Ҳусниддин Шаҳридович — Навоий шаҳридаги “Xovandamir Holding” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Жумабоев Қудратжон Жумабой ўғли — Қизилтепа туманидаги “SVS Navyoiz” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Каримов Зоҳид Зиронович — Навбахор туманидаги “Navbahor Agrolimov” масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Кенджаев Элмурод Саидович — Кармана туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Ташбенбетов Ержан Ермаханович — Қонимех туманидаги “Kanimek Max Drive” хусусий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

Умаров Шомурот Исмолович — Навбахор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Азизов Абдулходи Рустамович — Тўрақўрғон туманидаги “Gold Fresh Fruits” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Ахадов Аҳдам Акрамович — Янги Наманган туманидаги “Мехмаш” масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

Дадахонов Муртаза Турсунхонович — Қосонсой туманидаги “Osmon sayuogasi” фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Джурбаев Тохир Турашханович — Наманган шаҳридаги “Fazman Tekstil” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

Маюнов Илдоржон Хақимжонович — Давлатобод туманидаги “Apturage-tex” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Муратов Бори Ирғашевич — Чуст туманидаги “Megan” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Ходжиматов Баҳром Ваҳидович — Чуст туманидаги “Siberian Wellness-Namangan” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

Эргашев Хуршидбек Юлдашевич — Поп туманидаги “Active Chorkesar Light” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Ганиев Феруз Нормаматович — Самарқанд туманидаги “Asia Carpet Textile” масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Зайинов Мухриддин Мехроҷиддин ўғли — Урганч туманидаги “Yes gilam” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

Илмуратов Қудрат Уролович — Пастдаргом туманидаги “Қудрат замин дурдонаси” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Қазокова Мария Рафилловна — Самарқанд шаҳридаги “Prime Ceramics” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

Каримов Абдунаби Абдухамитович — Каттақўрғон туманидаги “Нурли Миёнок” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Норов Суннатилла Алимджанович — Урганч туманидаги “Gardencells” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Уролов Алишер Шухрат ўғли — Самарқанд шаҳридаги “Enjoy Fly” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Хушнев Шохзоҳдон Инатилла ўғли — Нарпай туманидаги “Agro Gold Spring” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Юсубаев Азизбек Махаммадjon ўғли — Булдуғур туманидаги “Samarkand Garden Plast” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Ялғашев Бахтиёр Таштемирович — Оқдарё туманидаги “Meganot food dried fruits import-export trading LTD” хорижий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

Ганиев Азиз Салимович — Гулистон шаҳридаги “Don Milks” масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

Душабаев Акмал Нурматович — Мирзаобод туманидаги “Navto‘z total textile” масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

Ибрагимова Робия Шавкатовна — Ховос туманидаги “RS Success Agro” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сирдарё вилояти

Қудузов Махмуд Саламович — Сирдарё туманидаги “River Med Pharm” масъулияти чекланган жамиятини ишлаб чиқариш бўйича директори, Сирдарё вилояти

Маматқулов Жаҳонгир Арифджанович — Мирзаобод туманидаги “Fs Logistics” масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

Абдуқеримов Зафаржон Бахтиёр ўғли — Термиз туманидаги “Terimiz International Trade Centre” масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Аноров Шерзод Холмурзаевич — Термиз шаҳридаги “Me‘mor Inter Stroy” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Джурбаев Баҳодир Исмаилович — Қумқўрғон туманидаги “Жозибэ мебель” хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Очилов Муроджон Махаммадиевич — Термиз туманидаги “Gold Dried Fruits Export” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Холмунинов Ахроржон Илхомович — Денов туманидаги “Inter Prof City Stroy” масъулияти чекланган жамияти директори, Сурхондарё вилояти

Абдуллаев Жамшид Зафарович — Зангиота туманидаги “Zangiota tomorqa xizmati export” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Атаханов Абдурахим Латифович — Чирчиқ шаҳридаги “Alkim Tekstil” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Закиров Санжар Тахирович — Янгийўл туманидаги “International Paper” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Қушбаков Илхом Закир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Хашимов Зафар Камилевич — Тошкент шаҳридаги "Anglesey Food" масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор фахрий унвони билан

Раҳманбердиев Гаппар — Тошкент кимё-технология институтининг целлюлоза ва ёғочсоғлик технологияси кафедраси профессори

Фидокорона хизматлари учун ордени билан

Артикходжаев Жаҳонгир Абидович — Тошкент шаҳридаги "Akfa Group" компаниялар гуруҳи асосчиси

Меҳнат шухрати ордени билан

Абдурайимов Боходир Турсинович — Чортоқ туманидаги "Chartak Mineral Water" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Намангон вилояти

Бобоҷонов Дилшод Махмудович — Шофиркон туманидаги "Leichter Kamalak Textilen" кўшма корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

Мухторхонов Нуритдин Комолидирович — Паркент туманидаги "Meridian Tempo" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Руземухамедов Нурулла Суннатуллаевич — Олмазор туманидаги "N'medov" компаниялар гуруҳи таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Дўстлик ордени билан

Аббосхўжаев Азизхўжа Авазхўжа ўғли — Олмазор туманидаги "Grand Pharm Trade" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Абидов Темур Таштемирович — Шахрисабз шаҳридаги "Shakhrisabz Med Center" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Зокиров Фарходжон Латипович — Хўжаобод туманидаги "Ho'jaobod Fayz-M" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Қасимбаева Мадина Анваровна — Шайхонтоҳур туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, каштачилик-сўзана устаси, Тошкент шаҳри

Қурдиани Николоз — "TBC Uzbekistan" бош директори Махмудов Мурабит Адилханович — Зомин туманидаги "Zomin Brewery" масъулияти чекланган жамияти директорлар кенгаши раиси, Жиззах вилояти

Насиров Мурод Рашидович — Чилонзор туманидаги "Group of Navbahor" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Садиков Рустам Насирович — Чилонзор туманидаги "Tartleplast" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Салиева Паллада Жиенбаевна — Гегейли туманидаги "Арзну" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Тўраев Зафар Махмудович — Урганч туманидаги "SXF Big Stroy Building" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Эргашев Шухрат Шарипович — Бундуғур туманидаги "Samarkand Garden plast" масъулияти чекланган жамияти директорлар кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

Шухрат медали билан

Абдурахманов Илхомжон Турсунович — Пахтакор туманидаги "Paxtakor Tekst" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Ақрамов Мурод Икромович — Зангиота туманидаги "Technologies of Real Time" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Алиев Шухратбек Эркинвич — Асака туманидаги "Барака ҳамкор парранда" хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

Амонов Мухтар Рахматович — Бухоро давлат университетининг кимё ва нефть-газ технологиялари кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Бабақуллова Юлдуз Абдуғаффаровна — Гулистон туманидаги "Юлдуз Абдуғаффаровна" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ботиров Акрам Гафурович — Давлатобод туманидаги "Interior Mega Max" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Намангон вилояти

Бурханходжаев Саидзим Вахидович — Америка Қўшма Штатларидаги "ITF Group LLC" логистика компанияси ижрочи директори

Ғозиева Дилноза Ахмаджановна — Юнусобод туманидаги "Perfect Design Art" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Жалолов Элёржон Мадаминович — Қува туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи, Фаргона вилояти

Илхомов Шухрат Шарифович — Қибрай туманидаги "Navruz International Corp" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Карабаев Музаффар Махаммадалиевич — "Datase Technology" ва "SiteLabs" компаниялари асосчиси

Керимбаев Ғайратдин Умарович — Тўрткўл туманидаги "115-Тўрткўл автокорхонаси" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Комиллов Насимжон Қобилжонович — Самарқанд шаҳридаги "STD Health Med" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Косимов Саёт Салимович — Когон туманидаги "Kogon Mars Plus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Қодиров Музаффар Мухитдинович — Яшнобод туманидаги "MEP Group" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Мамутова Махира Аминадиновна — Нукус шаҳридаги "Good Cafe" оилавий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Махматмуродов Шерзод Бекназарович — Қамачи туманидаги "Нурманова Хуршида" сабзавотчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Нуманова Ольга Леонидовна — "InFinBank" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Ражабов Ботир Жўраевич — Бандихон туманидаги "Омад" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Рустамов Улугбек Шахзодович — Тошкент шаҳридаги "Click" масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Саидкамалов Нохид Насиржанович — Андижон шаҳридаги "Grand Tehnolog" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Сафаров Миржало Абдусаматович — Қарши шаҳридаги "Қашқадарё махсус монтаж сервис" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Султанмуратова Гулнора Уруновна — Урганч шаҳридаги "Star Kids Plus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Тухтаниязов Ботиржон Мухтарович — Тошкент туманидаги "Тўхтағниёв ота" фермер хўжалиғи бошлиғи, Тошкент вилояти

Хакимов Мирҳайёт Мирхамидович — Ангрэн шаҳридаги "National Ceramics" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Хамидова Зарина Истамтошевна — Нурота туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, хунарманд-кашгачи, Навоий вилояти

Хикматов Фуқрат Шухратович — Паркент туманидаги "Batu Export" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Ходжаев Жасурбек Мажилович — Тошкент шаҳридаги Инҳа университети профессори

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри, 2025 йил 18 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ СУД ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида бошланган ислохотларнинг дастлабки қунлариданоқ юксак маррага эришишда илғор технологиялар асосида замонавий корхоналар очаетган, юз минглаб янги иш ўринларини яратаетган ва дунё бозорларига жадал кириб бораётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш стратегик вазифа этиб белгиланди. Кейинги йилларда мана шу мақсадлар сари кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич кечмоқда.



Тадбиркорларнинг бузилган ва низолашлайётган ҳуқуқларини иқтисодий судларда тезкор ва сифатли кўриб чиқиш таъминланмоқда. Айниқса, ишларни кўришдаги асосиз кечиктиришларнинг олдини олиш мақсадида суд ишларини кўриш, қолдириш ва танаффус қилишнинг қатъий мuddати ва ҳолатлари белгиланган бўлиб қўйилди.

Мухим жиҳатлардан бири, "Медиация тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши натижаида суд низоини ҳал этишда яраштириш тартиб-таомилларини қўллаш имконияти кенгайди. Биринчи инстанция судида суд маслаҳатхонага қарор қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафларга медиатив келишув тузиш имконияти берилди.

Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали тадбиркорларга одил судлов имкониятидан фойдаланишда ҳам қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилиб, судларга масофадан туриб электрон тарзда мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалока тизими, шу жумладан, мобил воситалар орқали иштирок этиш, ҳолисликни таъминлаш мақсадида судьялар ўртасида ишларни ахборот тизими орқали автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилди.



Судда тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги боис, ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда давлат божии суммаси қайтарилишига оид норма белгиланган бўлиб қўйилди. Хусусан, медиация тартиб-таомил қўлланган иқтисодий ишлар статистикасига кўра, 2020-2024 йилларда иқтисодий судлар томонидан қўрилган 20 мингдан ортиқ ишда медиация таомили қўлланган ва шундан 18 мингта яқин ҳолатда медиатив келишув тузилган ва барча давлат божлари тадбиркорлик субъектларига қайтарилган.

Одил судлов соҳасини рақамлаштиришни янада кенгайтириш мақсадида Олий суднинг интерактив хизматлар портали (my.sud.uz) ишга туширилди. Натижада аҳоли ва тадбиркорлар учун одил судлов имкониятидан фойдаланишдаги барча имкониятлар электрон ва интерактив шаклга келтирилиб, бюрократик ноқулайликлар бартараф этилди.

Судларнинг ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ўртасида муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни тадбиркор ва фуқароларни овоза қилмаган ҳолда бевосита судларнинг ўзи томонидан электрон шаклда олиш тартиби амалиётга жорий этилди. Бунда маълумотлар алмашишнинг рақамли шаклга ўтказилгани катта аҳамият касб этди.

Олий суднинг интерактив хизматлар порталида судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, суд ҳаражатларини электрон тарзда тўлаш, қонуний кучга кирган суд қарорлари билан танишиш, ишлар ҳолатини онлайн кузатиб бориш, суд қақурув қозонини электрон олиш, суд мажлиси жадалви билан онлайн танишиб бориш, дунёнинг исталган нуқтаида туриб суд мажлисларида мобил видеоконференцалока тизими орқали иштирок этиш каби интерактив хизматлар жорий этилди.

Хозирга қадар судларнинг 6,4 миллиондан ортиқ қарори Олий суднинг интерактив хизматлар порталида эълон қилинди.

Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR марказ) ҳамда вилоят

ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматлари ташкил этилган. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимияти очиқлигини ошириш йўлида муҳим чоралар қўрилмоқда.

Бундай замонавий ёндашувлар эвазига одил судлов самардорлигига эришилмоқда. Соҳадаги чора-тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофлигини таъминлаш имконини бериб, судлар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Келгусида тадбиркорларнинг суд орқали ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг одил судловдан қулай фойдаланиши борасида бир қатор тизимли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, "Raqqamli sud" концепцияси асосида босқичма-босқич барча судларнинг ахборот тизимлари негизида сунъий интеллект технологияларини яратиш, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини кенгрок жорий қилиш ва суд соҳасида рақамлаштириш ишларини янада самарали ташкил этиш суд жараёнларида бюрократик тўсиқ ва коррупциявий омиллар бартараф этилишига замин яратди.

Эндиги навбатда тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда суд ишларини кўришни соддалаштириш мақсадида: — судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижасини ҳамда сарфланган ҳаражатларни шакллантириш; — мурожаатларни судга фақат электрон шаклда юбориш; — ишда иштирокчилар суд биносига ташриф буюрмасдан суд муҳокамаларида масофадан туриб қатнашини таъминлаш; — тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имкониятини яратиш; — суд ҳаражатларини электрон шаклда ҳисоблаш ва тўлаш, шунингдек, ижро варақаларини автоматик равишда ижрога юбориш; — суд ишларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритиш; — сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомаларини реал вақт режимида матн шаклида тайёрлаш; — суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг 2025-2027 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилмоқда. Дастурда қуйидаги вазифалар назарда тутилмоқда: — 2025 йил 1 декабрдан бошлаб фуқаролар, адвокатлар, юристлар, судьялар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш платформасини ишга тушириш; — 2025 йил якунига қадар суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш махсус ахборот дастури яратиш;

— 2026 йил 1 январдан бошлаб "my.sud.uz" интерактив хизматлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модулини жорий этиш, бунда сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчини яратиш, ҳуқуқий мурожаатларга жавоб бериш ҳамда суд маълумотларини автоматик етказиш;

— 2026 йил 1 мартдан бошлаб фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки суд маълумотларини фуқароларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имкониятини яратиш;

— 2026 йил якунига қадар фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида 5 та янги интерактив хизматни йўлга қўйиш, шунингдек, суднинг ахборот тизимдаги "Шахсий кабинет" платформасининг фойдаланувчилар учун янада қулай янги версиясини ишлаб чиқиш каби қатор амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Шу билан бирга, "Рақамли ҳуқумат" тизими идораларо интеграциялашув платформаси судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилинади. Натижада судда иштирок этувчи тадбиркорлардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйилди ҳамда уларнинг вақт ва маблағ билан боғлиқ ҳаражатлари тежалиши, ортиқча сансоларликнинг олди олинишига эришилди.

Судларнинг моддий-техник базасини яхшилаш орқали тадбиркорларга янада кенг қулайликлар яратиш мақсадида 2025-2030 йилларда замонавий суд биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бунда янги суд биноларини қуриш ва мавजूдларини мукаммал таъмирлашда "Рақамли суд" концепцияси асосида суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда тадбиркорлар ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Суд ҳужжатлари ижросини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайлик ва имкониятлар яратилди.

Иқтисодий судларда даъво аризаси бўйича ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибиде кўриб чиқиш учун даъвоининг максимал баҳосини ошириш орқали тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тезкор ва сифатли ҳимоя қилиш имкониятлари янада кенгайтирилди.

Мухтасар айтганда, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, маъмурий суд иш юритишга даъво институтини киритиш, даъво турларини аниқ белгилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда суднинг фаол иштироки принципини қўллаш механизмларини кенгайтириш, ҳуқуқий бузилган шахснинг хоҳишига кўра экстерриториал судловга тегишлилик механизминини жорий этиш — буларнинг барчаси, шубҳасиз, маъмурий судлар тадбиркорларнинг ҳаққини ҳимоячисига айланшида муҳим қадамлар бўлиб хизмат қилади.



Бахтиёр ИСЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 февраль кунини суд фаолиятини янада яхшилаш, очиқлик ва рақамлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йилгилишда "Сунъий саккиз йилда судларга доир 70 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Булар аҳоли ва тадбиркорларнинг масалаларини ҳал этиб, адолатли қарор топтиришга хизмат қилди. Ўтган йил судларда 3 миллиондан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу — аҳолининг ҳуқуқий онги ошиб бораётганидан далоят", деди. Ушбу эътироф инсон манфаатига хизмат қилади, қонун устуворлигини таъминлайдиган одил судлов соҳасини такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида эканини исботи.

Президентимиз томонидан судлар олдида тадбиркорлик, инвестиция, инфратузилма, ер, солиқ, кредит, меҳнат муносабатлари, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммолар масалаларини таҳлил қилиб, ҳуқуқмат ва парламент муҳокамасига киритиб бориш вазифаси қўйилди. Шунга мувофиқ, Олий суд томонидан қайд этилган масалалар бўйича судларда кўрилган ишлар чуқур таҳлил асосида аниқланган муаммолар масалалар ҳуқуқмат ва парламент муҳокамасига мунтазам равишда киритиб боришмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти тобора кенгайтирилмоқда. Бу борада судлар фаолиятида очиқлик, шаффофлигини таъминлаш ва қўшимча қулайликлар яратиш, тадбиркорларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, уларнинг судга ишончини мустақамлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ё ҳаракатсизлиги устидан шахснинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий қамқоғатларини амалга ошириш масаласи жуда муҳим. Ушбу масъулиятли вазифани таъминлашга хизмат қиладиган маъмурий судлар ташкил этилиши, шунингдек, иқтисодий судларда иш юритиш соддалаштирилиши тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини янада оширди.



ИШБИЛАРМОНЛАР НАВБАТДАГИ УЧРАШУВДАН НИМАЛАР КУТЯПТИ?

Мамлакатимиз тадбиркорлари катта ҳаяжон, ишонч ва алоҳида қувонч билан кутаётган сана — 20 августга ҳам санокли кунлар қолди. Ишбилармонлар бу санани нафақат юртимизда кенг нишонланаётган “Тадбиркорлар кун” сифатида, балки Ўзбекистон тарихида ўзига хос анъанга айланган ва дунё амалиётида ўхшаши йўқ воқеа — давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти сабабли ҳам сабрсизлик билан кутмоқда.

Бу учрашув Президентимиз билан бизнес вакилларининг шунчаки мулоқоти эмас. Утган бир йил сарҳисоб қилинадиган, муаммо ва камчиликлар тинглатиб, биргаликда ечим изланадиган, тадбиркорни қийнаётган масалалар очик ва борица айтиладиган, асосийси, уларни ҳал этишга доир аниқ-тиниқ таклиф ва тавсиялар берилиб, ишбилармонлар учун навбатдаги янги имтиёзлар тақдим этиладиган кундир.

Мамлакатимиз тадбиркорлари катта ҳаяжон, ишонч ва алоҳида қувонч билан кутаётган сана — 20 августга ҳам санокли кунлар қолди. Ишбилармонлар бу санани нафақат юртимизда кенг нишонланаётган “Тадбиркорлар кун” сифатида, балки Ўзбекистон тарихида ўзига хос анъанга айланган ва дунё амалиётида ўхшаши йўқ воқеа — давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти сабабли ҳам сабрсизлик билан кутмоқда.

КАДРЛАР БАЗАСИ КЕРАК

— Бундан ўн йиллар олдин Ўзбекистонда замонавий АТ (ахборот технологиялари) йўналишидаги касблар ҳақида кўпчиликда деярли тасаввур бўлмаган. Шу ҳақда гап кетса, аксарият одамлар асосан компьютернинг ёки дастурчини тушунган. Бугун эса айнан АТ йўналишига қизиқадиган ва буни замонавий касблардан бири сифатида танилаган ёшларнинг сонига йўқ. Ҳатто кичик болалар ҳам замонавий технологияларга шунчаки вақт ўтказиш эмас, балки ишлаб, даромад топиш воситаси сифатида қараётти. Мақтаб ёшдаёқ замонавий технологиялар орқали даромад қилаётган ўнлаб йилги-қизилари биламиз, танишларимиздан улар ҳақида эшитяпмиз.



Шерзод ИБРАГИМОВ, “МААВ Innovation” АТ компанияси ҳамда “МААВ Academy” академияси раҳбари:

Ҳиндистондан олардик. 2019 йили Ўзбекистонда корхона очгач, ўзимизнинг ёшларни ўқитиб, иш билан таъминлай бошладик. Асосий фаолиятимиз ахборот технологиялари соҳасининг маълумотлар базаси йўналишига йўналтирилган. Яъни маълумотларни қайта ишлаш билан шуғулланамиз. Буюртмачиларимиз америкалик ҳамкорлар бўлиб, ўн йилдан ортқ вақтдан бери шу бозорда ишлаб келяпмиз. 2019 йилдан бугунгача 3 миллион долларликдан кўпроқ АТ хизматларини АҚШга экспорт қилдик. Биргина 2024 йилнинг ўзига экспортимиз қиймати 1 миллион доллардан ошди.

ЎЗИМИЗ ЎЙЛАМАГАН ЯНГИЛИКЛАРНИ КУТЯПМИЗ

Наргиза БЕКМУРОДОВА, Хоразм вилоятидаги “Artatex” МЧЖ раҳбари:



— Давлатимиз раҳбари билан учрашув санасини тадбиркорнинг янги йиллик кутамиз. Бониси, айнан 20 августдан бошлаб навбатдаги йил учун ўзимизга янги вазифалар белгилаб оламиз. Бизга бериладиган имконият, имтиёзлардан келиб чиқиб, бир йиллик режа тузамиз. Утган вақтни сарҳисоб қилиб, энди эришмоқчи бўлган вазифаларимизни чамалаймиш. Имтиёзлардан руҳланиб, маррани юқори оламиз.

— Давлатимиз раҳбари билан учрашув санасини тадбиркорнинг янги йиллик кутамиз. Бониси, айнан 20 августдан бошлаб навбатдаги йил учун ўзимизга янги вазифалар белгилаб оламиз. Бизга бериладиган имконият, имтиёзлардан келиб чиқиб, бир йиллик режа тузамиз. Утган вақтни сарҳисоб қилиб, энди эришмоқчи бўлган вазифаларимизни чамалаймиш. Имтиёзлардан руҳланиб, маррани юқори оламиз.

ечимига хизмат қилмоқда. Ўзим ҳам ҳар йили имкониятдан фойдаланиб, бир неча таклифни илгари сураман. Бугунгача уларнинг барчаси амалиётда қўлланыпти. Жорий йилда 4 та таклиф билдирдим. Шулардан бири қўшимча қиймат солиғидан ҳосил бўлган солиқ суммасини қайтариб олиш билан боғлиқ. Гап шундаки, корхонамиз тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингига юқори “ААА” тоифага киргани боис, ҚҚСдан ҳосил бўлган маблағ ҳар ой автоматик тарзда ҳисобрақамимизга туширилади. Бу жуда катта қўлайлик, албатта. Аммо таклифим шундан иборатки, ҳосил бўлган ана шу сумма корхона ҳисобига автоматик қайтариб олинмай, ихтиёрий равишда келгусидаги бошқа солиқ тўловларига олдиндан ўтказиб қўйилса, нур устига нур бўларди. Шу тарзда солиқнинг қизгин кутягани, қизқиши бўларди. Бу ҳақда гапирсам, ўзгача руҳланман, қаҳватга тўламан. Чунки бу учрашув ўз устида ишлаётган, меҳнат қилаётган, оиласини боқиб иш билан бирга бошқаларни ҳам иш билан таъминлаётган тадбиркорларга берилётган катта эътибор, самимият белгиси. Бу бизга янада кўп ишонч, куч-қувват беради. Шу билан бирга, учрашувдан кутаётганларимиз ҳам бисёр.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



БИРЛАШИБ, БИР КУЧГА АЙЛАНЯПМИЗ

— Қўп қатори мен ҳам давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотини қизгин кутяман. Бу ҳақда гапирсам, ўзгача руҳланман, қаҳватга тўламан. Чунки бу учрашув ўз устида ишлаётган, меҳнат қилаётган, оиласини боқиб иш билан бирга бошқаларни ҳам иш билан таъминлаётган тадбиркорларга берилётган катта эътибор, самимият белгиси. Бу бизга янада кўп ишонч, куч-қувват беради. Шу билан бирга, учрашувдан кутаётганларимиз ҳам бисёр.

Тадбиркорлар оиласида улайганим учун соҳага анча эрта кириб келганман. Бу йилда қийинчиликларни босиб ўтганим боис, беихтиёр ҳозирги кун билан солаштираман. Олдинлари унча-мунча одам тадбиркорлик қилишга жазм этолмасди. Назорат ўта кучли, коррупция юқори эди. Ҳатто корхона ташқарисида кичик бўлса-да, хаптога йўл қўйишни пойлаб ўтирадиганлар бўларди. Лекин ўша хатарларни билиб туриб ишлардик, бошқа иложимиз йўқ эди. Корхонамизга оғоҳланганимиз, кутилмаганда текширувчилар бостириб келарди. Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиб, ҳамма жойни муҳрлаб, ҳисобот ва ҳужжатларимизни расмийлаштирмай олиб қўларди. Шунинг ортидан етти ойлик ҳомилам билан кун бўйи теровда ўтирган пайтларим ҳам бўлган.



Зебхон МҶМИНОВА, Тошкент шаҳридаги “Nova school” нодавлат таълим муассасаси раҳбари:

болаларни эрта ривожлантириш маркази сифатида фаолият бошлаган. 2015 йилда ушбу таълим муассасаси асосида икки тили тизимга эга болалар босчаси ташкил этилди. 2017 йилда эса ишимизни кенгайтириб, хусусий мактаб очишга муваффақ бўлдик.

нинг барча йўналишидан яхши даромад топиш мумкин. Чунки бунинг учун барча шарт шартини қўйиб, аввало, ишлаш учун эркин муҳит шакллантирилган. Бу эркинликни аввалдан бизнес билан шуғулланган ва соҳа ривожига тўсқин бўлган жуда кўп муаммоларни кўрган кишилар яхши ҳис қилади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Муносабат

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

ИНСОНПАРВАРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, ОЛИЖАНОБЛИК

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўтган йили фаластинлик ярадор 100 аёл ва бола реабилитация учун Ўзбекистонга олиб келинган эди. Шу даврда уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилиб, соғломлаштириш учун қулай шарт-шароит яратилди.

Президентимизнинг 2025 йил 14 августдаги “Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эса фаластинлик фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Унда меҳмонларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, жамиятга интеграция қилиш ишларини жадаллаштириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, соғлигини янада мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон тажрибаси дунёга андоза сифатида баҳоланмоқда



— Инсонпарварлик, тинчликсеварлик, йиқилганни суш — халқимизнинг азалий қадрияти. Ҳозирги синови куларда ота-боболаримиздан мерос бу эзгу аёнлар ҳамон барҳаёт экани яққол намоён бўлмоқда. Президентимизнинг фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича фармони бунга яққол мисол бўлди.

Бу хайрли ишлар инсон қадрини улуғлашга йўғрилган сиёсат қозғалди, амалда юксак самара бераётганининг яна бир ифодасидир. Зеро, бугунги нотинч дунёда катта-катта минбарларда дунёда тинчлик, адолат ўрнатиш бўйича ҳар қанча чақирқлар янграмасин, афсуски, бунинг амалий натижаси дегарли сезилмапти, ўзаро низо ва урушларнинг охири кўринмапти. Энг ачинарлиси, бундай зиддиятларнинг оғир асоратидан энг оғир эҳтиёт — аёллар ва болалар азоб-қубат тортаётгани инсоннинг юрагини ўртади.

Шундай вазиятда Президентимиз тинчлик ўрнатиш, тараққиётга эриштиш бўйича қўллаб-қувватлаш илгари сурмоқда. Бу борада фақат чақирқлар билан чекланмай, муҳим амалий ишлар ҳам қилинаётгани дунё ҳамжамиятининг қизгин эътирофига сазовор бўлаётди.

Ҳаётнинг оғир синовлари қаршида меҳр-эътибор, кўмак муҳтож инсонларга ёрдам қилиш чўзиш борасидаги бундай ишлар биринчиси эмас. Сўнгги йилларда бир неча босқичли “Меҳр” операциyasi орқали бир қанча аёллар ва болалар уруш ўқоқларидан юртимизга олиб келиниб, ҳаётга қайтарилди. Ҳозир уларнинг барчаси тинч, осуда яшамоқда, ёшлар тенгдошлари қатори мактабга боришти, каттароқлари олий таълим муассасасига ўқишга кириш арафасида. Аёллар эса ишли бўлиб, жамиятга тўла қўшилиб кетди. Аини шу тажриба фаластинликларни ҳам ҳаётга интеграция қилишда қўл келиши табиий.

Бу савобли ишлар ҳар биримизга улкан фарх-ифтихор бахш этади. Ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларимиз бардавом бўлиши учун барчамиз, жумладан, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чуқутини татиб, катта тажриба орттирган нурунийлар ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини ҳалқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиши лозим. Зеро, дунёда тинчлик ўрнатишда донишмандлик, тафаккур ва юксак маънавиятнинг ўрни чексиз.

Рустам КАЛОНОВ,
“Нуруний” жамғармаси Тошкент шаҳри кенгаши раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ҳар бир меҳмоннинг эҳтиёжи ўрганилиб, ёрдам кўрсатилади



— Президентимизнинг фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича фармони бунга яққол мисол бўлди.

Ўтказилди. Бу жараёнда 24 фуқарога ногиронлик белгилаштирилди, 12 бола мактабга, 32 бола мактаб таълимига қамраб олиниши керак. Уларни жамиятга мослаштириш ҳам доимий эътиборда бўлиши лозим. Ушбу ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида республика комиссияси тузилди. Комиссиянинг ишчи органи эса Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги этиб белгиланди.

Агентлигимиз мутахассислари ҳар бир меҳмоннинг эҳтиёжини ўрганиб, баҳолайди. Шундан кейин чикиб, ҳамкор ташкилотлар билан бирга зарур хизматлар кўрсатилади. Хусусан, фаластинлик меҳмонларга зарур иш стажига эга бўлмаган кекса фуқароларга бериладиган нафақа тайинланади. Ҳар бир меҳнат ёшидаги меҳмон (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар бундан мустасно) учун ҳар ойда минимал истеъмол харажати миқдорига яшаш нафақаси жорий этилади. Меҳмонларнинг ҳар бир оиласига яшаш манзили бўйича уй-жойнинг ижара харажати қоплаб берилади. Фарзанд тутилганда бериладиган бир маргали нафақа ҳамда дафн этиш учун нафақа тўлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган миқдорда тўланади.

Уларни ҳаётга интеграция қилиш ҳам муҳим йўналишдир. Бу борада меҳмонларнинг оила аъзоларига шахсий ҳамоҳлик қилиш ва индивидуал кўмак кўрсатиш, шунингдек, уларнинг эҳтиёжлари ва индивидуал талабларини рўйбега чиқариш мақсадида биттадан маҳалладаги ижтимоий ходим бириктирилади.

Сирожиҳон АБДУЛЛАЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
директори ўринбосари

Меҳмонлар малакали тиббий хизмат билан таъминланади



— Фаластиндан юртимизга олиб келинган фуқароларнинг аксарияти турли жараҳати сабабли аянчи аҳволда эди. Уларга илк кунларданок замонавий тиббий-диагностика ёрдами кўрсатилиб, соғлигини тиклаши учун барча зарур шароит яратилди. Энди бу жараён узлуксиз давом

этади. Меҳмонлар яшаш манзили бўйича оилавий, туман ёки шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларига ҳисобга қўйилади.

Ҳар бир меҳмоннинг касаллик таърихига қараб ногиронлик даражасини белгилаш ва бошқа зарур кўмак бериш чораси кўрилади. Патронаж тизимига қамраб олиш, амбулатор ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади. Агар зарурат туғилса, ўрнатилган тартибда ихтисослашган марказда йўлланма орқали даволашни имконига эга бўлади.

Қисқаси, малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш бўйича халқимизга қандай

хизмат кўрсатилса, фаластинлик меҳмонлар ҳам шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланади. Мукаддас китобларимизда яхшиликнинг муқофоти яхшилик экани битилган. Манбаларнинг яна бирида кимки бир инсондан дунё қийинчиликларини аритса, бу амал яхшилик қилувчи ҳам қўллаб-қувватлаш этикини қайд этилган. Президентимизнинг фармони ана шундай эзгу амалларга йўғрилгани билан аҳамиятли.

Элмира БОСИТХОНОВА,
соғлиқни сақлаш вазири
ўринбосари

Кува туманидаги “Пастки Хўжаҳасан” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 82-оилавий поликлиника 12 минг 500 кишига хизмат кўрсатади. Ўтган асрнинг 90-йилларида хашар асосида қурилган бирламчи тиббиёт бўғини йиллар давомида эътибордан четда қолганди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ бўлган тор, пастқам хоналарда шифокор ва беморлар учун оддий шарт-шароит етишмасди. Имкон топган беморлар туман, вилоят марказидаги шифохоналарга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Энди бу ерда иш тизими, ҳолат ўзгарди, оворагарчиликлар барҳам топмоқда. “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури ижроси доирасида поликлиникада кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилди. Аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш, ходимларни муносиб рағбатлантириш, касалликни эрта аниқлаш билан боғлиқ зарур шароит яратилди.



“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар”

ДАВОЛАНИШ УЧУН УЗОҚҚА БОРИШГА ЗАРУРАТ ҚОЛМАДИ

— Чекка қишлоқдаги оилавий поликлиникада бу қадар катта ўзгаришлар қилинган эди, — дейди поликлиника муддир Маъруфжон Эгалиев. — Таъмирлаш жараёнида муолажа хоналари кенгайтирилди, қўшимча биналар қурилди. Беморлар учун кутиб жойлари, она ва бола хонасини тайёрлаш, имконияти чекланганлар ҳаракатини қулайлаштириш, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш, санитар-гигиена ҳолатларини яхшилаш билан боғлиқ ишлар бажарилди. Барча хизматлар рақамлаштирилмоқда. Электрон тиббий карта, телемедицина ва онлайн навбатта

ёзилми каби хизматлар йўлга қўйилди. Бу беморларга ортинча вақт йўқотмай, белгиланган ва ўзи учун қулай бўлган пайтда тиббий кўриқдан ўтиш, муолажа олиш имкониятини беради.

Қишлоқ оилавий поликлиникасига яқин ҳудудда туман юқумли касалликлар шифохонаси жойлашган. 1957 йилда қурилган ва узоқ йиллар таъмиргалаб ҳолатда бўлган шифохона энди замонавий кўринишда фойдаланишга топширилди. 60 ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасаси санитария қондалари ва мезёрларига тўлиқ жавоб беради. Бунёдкор-

тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш, уларни мустақил бизнес лойиҳаларига жалб қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топишига қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўртинчиси — одоб-ахлоқ ва маънавий тарбия. Ёшлар ҳалол, пок, интизомли бўлиб вояга етиши учун маънавий-маърифий суҳбатлар, китобхонлик ва диний-маънавий тарбия тадбирлари йўлга қўйилган.

Бешинчиси — жисмоний тарбия ва спорт. Ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, бадантарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, спорт иншоотларидан кенг фойдаланишига қўмаклашиш чораси кўрилмоқда.



Отабой МАДАМИНОВ,
Гурлан тумани нурунийлар жамоатчилик кенгаши фаоли

Президентимиз серкирра фаолияти давомида кекса авлод вакиллари, яъни нурунийларга муттасил ғамхўрлик қилмоқда. Шу туфайли отахону онахонларнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий фаоллиги ҳар доим давлат сиёсати ва жамоатчилик диққати марказида турибди.

Айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Нуруний” жамғармаси фаолияти янада такомиллаштирилди. Бу жамғарма нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки нурунийлар ҳаётини мазмунли ўтказиш, бой тажрибасини ёшлар тарбиясига йўналтириш, авлодлар орасида маънавий кўприк вазифасини бажаришда беқиёс аҳамиятга эга.

Зеро, нурунийлар элнинг дуоси, миллатнинг таъини ва давлатнинг маънавий устуни. Юртимиздаги бундай имкониятлар, аввало, халқимизда кекса авлодга ҳурмат, қадриятларга садоқат ва бирдамлик туйғусини янада кучайтиради. Бу эса янги Ўзбекистонда барча авлод вакиллари бир мақсад йўлида бирлаштириш, тинч-тотув яшашга хизмат қилади.

Жамғарма “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойилини ҳаётга татбиқ этди. Бу ғоя, аввало, ёшларни ақл-заковатли, илм-маърифатли, ватанпарвар ва комил инсон қилиб тарбиялаш йўлидаги кенг қўламли маънавий-маърифий ишларнинг муҳим қисmidир. Мазкур тамойил доирасида нурунийларимиз ёшлар ҳаётига дахлдорлик билан ёндашиб, уларнинг таълим олиши, маънавияти бойиши ва мақсадларига эришишида йўл-йўриқ кўрсатмоқда.

Гурлан тумани нурунийлар жамоатчилик кенгаши аъзолари ўқув масканлари, маҳаллар, меҳнат жамоалари ва турли ташкилотларда мунтазам маънавий-маърифий учрашувлар ўтказмоқда. Айниқса, “Уч авлод” учрашуви ёшлар қалбига миллий ўзлик, эзгу орзулар ва ота-боболарнинг маънавий меросига ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугунга қадар кенгаш аъзолари ўтказган юздан ортқ “Уч авлод” мулоқотида ҳаётий тажриба, миллий анъана, одоб-ахлоқ қондалари, китобхонлик маданияти, Ватанга муҳаббат ва меҳнатсеварлик каби қадриятлар ёшлар қалбига синдириб борилади. Мазкур учрашувлар ёшлар маънавиятини юксалтириш баробарида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Мана шу эзгу мақсад йўлида кенгаш аъзолари комплекс тарбия ва қўллаб-қувватлаш платформасини ишлаб чиқди. Мазкур платформа қўйилган йўналишларни қамраб олади.

Биринчиси — илм ва маърифатга йўналтириш. “Наҳот шилдириб, наҳот билимдоғир ва Учинчи Ренессанс ёшлар қўлидадир” деган чўқур маъноли ибора шиор қилиб олинди. Бу ғоя ёшларнинг билимга интилишини кучайтиради, замонавий ва классик илм манбаларига жалб этади.

Иккинчиси — касб-хунарга йўналтириш. Олий таълимда ўқиб имконияти чекланган ёшларга қизиқини ва иқтидорига мос турли касб-хунарларни ўргатиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу жараёнда нурунийлар маслаҳатчи ва йўлбошчи сифатида ёшларни тажрибали устозларга бириктирмоқда.

Учинчиси — тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш. Ёшлар ўртасида



Олтинчиси — меҳнат миграциясига тайёрлик. Чет элда ишлашни мақсад қилган ёшлар аввал чўқур тиббий кўриқдан ўтказилади. Ўзи борадиган мамлакат қонун-қондалари, халқнинг урф-одатлари ва миллий қадриятлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилади. Маҳаллий аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан

шу йилнинг ўтган даврида 368 юртдошимиз Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига зиёратга борди. 604 нафари сўлим ҳудудларда дам олди. Умуман, 3080 нуруний турли йўналишда юртимиз бўйлаб саёҳат қилди. Шу йил 1 августга қадар 326 нуруний сяхаттоҳларда даволаниб, соғлигини тиклади.

Бу каби ишлар кекса авлод вакиллари яратиб берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги натижасидир. Нурунийларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлиги йилдан йилга яхшиланмоқда. Ушбу йўналишдаги ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Бугун туманимиздаги 10 та тиббиёт муассасасида нурунийларга хизмат кўрсатишмоқда. Жумладан, 1 та туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси, 1 та туман кўп тармоқли марказий, 6 та оилавий поликлиника, 3 та оилавий шифокорлик пункти замонавий тиббий ускуна ва малакали тиббиёт ходимлари ёрдамида самарали хизмат кўрсатмоқда. Бу эса нурунийларимизга ҳар томонлама тиббий ёрдам кўрсатиш ва аниқланган хасталикларни сифатли даволаш имконини бермоқда.

Аҳоли, жумладан, нурунийлар ўртасида мунтазам тиббий профилактик кўриқлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ташаббус ёшлар аниқ таъбир асосида даволаш, касалликларнинг барвақт олдини олиш имкониятини янада кенгайтираётди. 2024 йилда вилоят тиббиёт муассасаларида бепул даволаниш учун 548 бемор ордер билан таъминланди. Шунингдек, туман марказий шифохонаси бўлимида 20 минг 332 бемор даволанди. Шундан 2632 нафариди жароҳдорлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди.

Нурунийларнинг соғлигини муҳофаза қилиш масаласи Президентимизнинг қатор қарор ва фармонларида ўз ифодасини топган. Ўз навбатида, кекса авлод вакиллари давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлаш учун турли соҳаларда фаол қатнашиб, муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунинг учун ҳам нурунийлар эл ардоғи, халқ эътибори ва давлат эъзозиди юрган инсонлар, десак асло муволага бўлмайд.

ҳеч қандай низога киришмасликка доир зарур тушунча берилади.

Еттинчиси — хавфли оқимлардан ҳимоя қилиш. Ёшлар муҳожирик даврида ҳар хил экстремистик ва террористик оқимларга қўшилишини оқибатларидан огоҳлантирилади. Шунингдек, белгиланган ҳудуддан бесабаб чиқмаслик, қонуний тартибларга қатъий риоя қилиш зарурлиги ўқитирилади.

Ушбу комплекс платформа — ёшлар учун ҳаётий йўл харитаси, нурунийлар учун эса маънавий масъулият дастури сифатида “Ёшлар — янги Ўзбекистоннинг пойдевори” тамойилининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Туман ҳокимлиги, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси туман бўлими нурунийлар билан

режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун вилоят бюджетидан 10 миллиард сўм ажратилди.

— Бу дастур айнан инсон учун қулай ва муносиб муҳит яратишга қаратилгани билан тиббиёт бўлими бошлиғи Раваднинг Исоев. — Бугун тумандаги 21 та тиббиёт муассасасида таъмирлаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, кутиб жойларидаги ўриндиқлар қўлгайтирилиб, навбатни тартибга келтириш, она-бола хоналарини ташкил қилиш, ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари, хона ва йўлларда инклюзив муҳит яратиш, қўл ювиш учун иссиқ сувли, тоза-озода умумий фойдаланиш хоналари ташкил этиш асосий вазифалардир.

Тиббиёт муассасаларидаги локал тармоқлар, ахборот-коммуникация ва компьютер жиҳозларидан самарали фойдаланган ҳолда даволаш-профилактика муассасаларини рақамлаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва маҳоратини ошириш, рағбатлантириш тартибини жорий этиш ҳам бугун жуда муҳим.

— Шифокорлар назоратидан ўтиш, муолажа олиш учун марказий поликлиникага

муружаат қилиб тураман, — дейди меҳнат фахрийси Оллоберган Қўчқоров. — Бу ерда беморлар, она-болалар, нурунийлар, ногиронлар учун яратилган шароити кўриб, баҳри дилим очилади. Аввал ҳам даволаниш учун бу ерга келганман. У пайтдаги шароит билан бугунги имкониятларни қиёсалаб бўлмайди. Ҳамма жараён рақамлаштирилган. Кириш-чиқиш йўлларидида қулайликлар, кутиб жойлари шай ҳолатда. Бу белгиланган вақтда ортинча қийинчилик шифокор кўриғига кириш, муолажа олиш имкониятини беришти. Мана, қилса бўларкан-ку.

Халқимиз “Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал” деган пурҳикмат нақлини бежиз айтмаган. Унинг замирида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, ўз вақтида шифокор кўриғидан ўтиш билан боғлиқ ҳаётий амаллар мўжассам. “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури тиббиёт муассасаларида маданият, тартиб-интизом, фэйз олиб кириб, аҳоли кайфиятига ижобий таъсир кўрсатяпти. Янги имконият, ташаббусларга қанот бўлаётгани билан эътиборни тартади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ — ФИДОЙИЛИК МЕВАСИ

Мустақиллик тақдир эмас, танловдир. Эркинлик берилмайди, қўлга киритилади. Ҳақиқий истиқлол фақат байроқ эмас, бу халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш иродаси. Бу сатрларни бугун, давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллик шонли байрами арафасида юракдан ҳис қилиб ўқиймиз. Чунки Ўзбекистон мустақиллиги эндигина орттирилган неъмат эмас, балки ҳар бир юрдошимиз ҳаётида, қалбида, орзу-мақсадларида, меҳнати ва фидойилигида яшаб келаётган буюк қадриятга айланган. Мустақиллик бир авлоднинг жасорати билан бошланган, кейинги авлодлар фидойилиги билан давом этаётган тарихий сафардир.



ҳамжиҳатликда ҳам фаол роль ўйнаётган давлатга айланди. Агар бундан ўн йил аввал Ўзбекистон ташқи сиёсатда эҳтиёткор ва тор доирада ҳаракат қилган бўлса, бугун у минтақадаги жараёнлар марказида турган, ташаббус кўрсатаётган, муҳокамаларни бошлаётган, глобал ечимлар таклиф этаётган давлатга айланди.

Марказий Осиё — мураккаб тарих, стратегик макон, бой табиат ва Ўзаро ҳамбарчас боғлиқ халқлар минтақаси. Шу ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, яхши қўшничилик, ишончли ҳамкорлик муҳитини яратиш Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Президентимиз бошчилигидаги сиёсий раҳбариятнинг дастлабки ташаббуслари — минтақада Ўзаро тортишувларни бартараф этиш, чегара масалаларини ҳал қилиш, сув, энергетика, транспорт ва савдо алоқаларини яхшилаш бўйича амалга оширилган илк қадамлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Бир пайтлар Ўзаро ишончсизлик сабаб сўхбатлаша олмаган қўшнилари энди бир стол атрофида ўтириб, умумий келажакни муҳокама қила бошлади. Ўтган йиллар мобайнида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари анъананага айланди. Ушбу формат доирасида шу пайтга қадар бўлиб ўтган юқори даражадаги саммитлар минтақавий интеграциянинг янги босқичга кўтарилганини намоян элди. Биргаликдаги лойиҳалар — газ, электр энергияси, темир йўл ва автотранспорт йўллари, логистика марказлари ва бошқа инфратузилма тизимлари ҳақиқий иқтисодий ва сиёсий ҳамжиҳатликни яратга бошлади.

Биргина мисол: Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ўртасида транскаспий транспорт йўналиши орқали экспорт-импорт ҳақми 2023 йилда 30 фоиз ошди. Бу нафақат иқтисодий фойда, балки Ўзаро ишонч ва сиёсий барқарорлик мевасидир.

Иккинчи муҳим йўналиш — жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрнимиз. Бугун Ўзбекистон фақатгина минтақада эмас, балки глобал



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Шуқуҳ

миқёсда ҳам эътироф этилаётган давлатга айланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, янгиланган Конституция ҳамда давлат бошқарувида инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва очиқликни таъминлаш бўйича қабул қилинган қонунлар халқро майдонда катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Яқин йиллар ичида Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ, ИСлом ҳамкорлик ташкилоти, ШХТ, ТДТ каби кўплаб халқро тузилмалар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Улар билан ҳамкорликда тарихий мерос объектларини муҳофаза қилиш, экологик муаммолар, айниқса, Орол фожияси бўйича халқро лойиҳалар доирасида дунёнинг эътиборини торта олади.

2024 йилда тарихда биринчи марта Ўзбекистон янги ички маҳсулоти 115 миллиард АҚШ долларига етди. Бу фақатгина рақам эмас. Бу меҳнат қилган халқнинг, тадбиркорликка имконият берилган жамиятнинг, инвестиция муҳити яхшилانган мамлакатнинг натижасидир.

Миллий валютаимиз — сўм барқарорлашди. Инфляция даражаси назоратга



олинди. Ягона солиқ тўлови, фуқаролар учун солиқ имтиёзлари, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган замонавий инфратузилма, электрон рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш жараёнларининг соддалашуви — буларнинг барчаси фақатгина иқтисодийлик эмас, халқимизни озод, эркин, фаровон ҳаётга етакламоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон дунёга “мен борман!” деб айтди. Бу дўзар эмас — бу натижа. Бу мақсад эмас — бу олинган йўл. Энг муҳими, бу янги Ўзбекистоннинг эртанги кунига ишонч билан боқиш, ўз тақдирига эғалик қилишга тайёр жамиятнинг юксак онгидир.

Шунинг учун Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига алоҳида руҳ, мазмун ва масъулият билан қараялми. Бунга ҳаммадан тарзда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, ушбу байрам “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган ғоя атрофида ўтказилган. Бу сўзлар тасодифий эмас. Улар миллатнинг тарихи, халқнинг орзу-умидлари ва Ватанга садоқатини ўз ичига олган ифодадир.

Ҳар йили ўтказилган истиқлол тантанаси фақат тарихга назар ташлаш учун эмас, балки келажакка юзланиш учун ҳам имконият бермоқда. Бугун Ўзбекистон ўз йўлини танлаган, ўз сўзига эга, ўз халқига суянган ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин

эгаллаётган давлатга айланди. Бу йўлда ҳар бир фуқаронинг ҳиссаси бор. Ҳар бир устоз, фермер, шифокор, муҳандис, ёзувчи, аскар, талаба ва санъаткорнинг меҳнати бор.

Шу боис, мустақиллик фақат давлат рамзлари, байрам тадбирлари ва тарихий сана эмас, у ҳар бир инсоннинг кўндалик ҳаёти, меҳнати, орзуси ва масъулиятида ўз ифодасини топаётган тирик ғоядир. Мустақиллик Ватан учун масъулият, миллат учун садоқат, халқ учун фидойилик демекдир. Янги Ўзбекистондаги истиқлоллар, қабул қилинаётган ҳар бир фармон ва қарор замирида ҳам айнан ана шу ғоя мужассам. Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллик байрамини ўтказишга доир қарор ҳам айни шундай мазмун ва руҳда.

Истиқлол шунчаки оддий байрам эмас. Бу — миллий ўзгиримиз, эзгу орзуларимиз, келажак сари интилишимизни кенг намоён қилиш имкони. Чунки бугунги янги Ўзбекистон, авваломбор, ўз таянчиди халқда, кучини бирдамликда, юзи нури ёшларда, оиласи қадриятларида, меҳнаткаш фуқаролари фидойилигида кўрмоқда.

Бугунги кунда шаҳарми, қишлоқми — мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ўзгариш, янгиланиш, яратилган кечмоқда. Янги Конституцияимизда белгиланганидек, Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Бу энди давлат одамдан эмас, одам давлатдан умид қилиш, ёрдам олиш, қўллаб-қувватлаш туйғусини ҳис қилмоқда дегандир.

Буни ҳаётий мисолларда ҳам кўрялми. Яқин йилларда юртимизда 500 миңдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Камбағалликни қисқартириш дастурлари тўғрисида миллионлаб оилалар ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, инсонларга ишонч, ўз ҳаёти учун жавобгарлик туйғуси қайта тикланмоқда.

Мана шундай фараҳбахш, улкан имкониятларга тўла даврда яшабми. Бугунги муваффақиятларнинг асосида юртимиз тинчлиги, миллатлар ўртасидаги дўстлик, бағрикенглик муҳити ётади. Ўтмишни қадрлаб, келажакни кўзлаётган, дунё билан тенгантен мулоқот қилаётган, ўз йўлини танлаган ва ундан чекинмас мамлакат бу, албатта, янги Ўзбекистон!

Қолаверса, бугунги замонавий дунёда обрў-эътибор шунчаки эришиб бўладиган нарсаси эмас. У ишонч, амалий ишлар натижаси орқали орттирилади. Мана шундай ишончи, очиқ, дунёвий давлатга айланиш халқ билан мулоқотга асосланган сиёсий маданият, энг муҳими, халқ ишончи тўғрисида юзага чиқди.

Ташқи сиёсатдаги юксак мақомимиз, минтақавий етакчилик, халқро ташкилотлар билан ҳамкорлик — буларнинг барчаси шунчаки дипломатик муваффақиятлар эмас, балки давлатимизнинг катта саҳнада муносиб ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Бу йилги мустақиллик байрами ана шу ўзгаришлар, фидойиликлар ва буюк мақсадлар тантанаси бўлади. Ушбу байрам нафақат рамзий тағана, балки ижтимоий ва маънавий ўйғониш, халқнинг Ватанга садоқати, келажакка ишончи намоёнидир. Чунки бу бизнинг Ватанимиз. Бу миллат — биз юрдагидай яшаётган миллат. Бу халқ — бизнинг она халқимиз. Бу истиқлол — бизнинг абадий йўлдошимиз.

Собир ТУРСУНОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Айниқса, истиқлолнинг кейинги саккиз йили янги Ўзбекистоннинг янги нафаси, янги руҳи ва янги йўналиши билан ёдда қолди. Президентимиз раҳбарлигида бошланган истиқлоллар, аввало, халққа хизмат қилиш, инсон манфаатларини олий қадрият сифатида кўришга қаратилди. Ҳақиқатан, “Инсон қадри учун” ғояси халқнинг сиёсат марказига айланди. Бу шунчаки шор эмас, бу — амалдаги истиқлоллар, реал натижалар орқали ўз исботини топаётган фалсафа, давлат бошқаруви янги дунёқараши.

Ўзбекистон бугун наинки ички тараққиёт, балки минтақавий ҳамкорлик ва халқро

Мулоҳаза

ДУНЁГА ТЕРАН КЎЗ, УЙҒОҚ ҚАЛБ БИЛАН БОҚИШ КИТОБЛАР ОРҚАЛИ КЕЧАДИ

Ҳозир теvarакка боқиб, кишида бир савол уйғонади: замона зайли билан яратилган шароит, берилган имконият ва энгилликларни суиистеъмом қилишга мойил бўлиб бормаялми?


Уйдаги жавонга сиймай қолгани учун тунов кунни 200 га яқин катта-кичик, қалин-юпқа китобни боғлам-боғлам қилиб, ўғлимнинг хонадонига кўчириш учун машинага юкладим. Қўп қаватли уйларда бундай ишлар, албатта, қўшнилар нигоҳи остида рўй беради. Катта қутилаларга солинган ва чиройли тасмалар билан боғланган китоблар тахлამини кўриб, узоқ йиллик қўшнимиз Мастура опа ёнимга келди.

— Вой-вой, мана бу китобларнинг қўпчилигини! Нега буларнинг орасида чиройли муқовалик кам. Ҳаммаси кўрimsиз, рангсиз? Савол назари билан қараб турганимни кўриб, қўшни аёл давом этди:

— Акангиз билан фақат чиройли китобларни “стенка”га тахлал қўйганимиз, уйга кўрк бериб, кўзини қувнатиб туради ахир. Сиздаги китоблардан нима наф дейман-да...

— Мастура опа, бу китобларни оиламиз билан ўқиймиз, ўқиялми. Китоб уйни ясаши учун эмас, қалбга, тафаккурга жило бериш учун сотиб олинади.

Опа менга галати қараб, нари кетди.



Синфдош дўстларим билан авваллари тез-тез учрашар, вақт-бевақт бир-биримизнинг хонадонимиз оstonасидан ҳатлаб турардик. Ҳозир “нейтрал” худуд — чойхонада ойда бир базўр дийдорлашамиз. Бошқа пайт телеграмдаги гуруҳимизда гаплашамиз, тасвирли ва овозли хабарлар алмашамиз, таваллуд кун ва бошқа байрамларда табрик йўллаймиз. Фақат дўстимиз Миродил телеграмдаги гуруҳимизда йўқ. Лекин онда-сонда ҳар биримизнинг уйимизга, иш жойимизга келиб, йўқлаб туради. Сабаби у мобил телефон ишлатмайди. Аникроғи, ишлатадиган телефони оддий — фақат зарур ҳолларда гаплашиш учун. Ҳар анча йилдан буён университетда талабаларга дарс беради.

— Бу замонавий телефонлар вақтнинг ҳам, соғлиқнинг ҳам ўғриси. Эсиз вақт, эсиз умр. Авваллари талабалар дарсда тетик, дадил иштирок этарди. Ҳозир ярим аудитория уйқусираб ўтиради, қулониға рап кирмайди, зехин мудроқ, — дейди баъзан жигрийрон бўлиб.

Миродилнинг айтишича, бунинг сабабини излай-излай топибди.

— Аксарият ёшлар туни билан ижтимоий тармоқларда ўтиради, бир-бири билан соғлаб бекорчи мавзуларда гаплашади. Бўлмагур, онгни бузадиган маълумотларни кўради, бошқаларга улашади. Туни билан мижжа қоқмай, кундузи дарсда мудраб ўтиради. Кўз очик бўлса ҳам ухлаётган мия

билан маъруза тинглайди. Сарфлаган вақти, қуввати, бедорлиги шунга арзиримкан? Шунинг учун ҳам мен энг оддий телефон ишлатаман. Телевизорда фақат янгиликлар дастурини кўраман.

Тадқиқотчилар телевизор кўриб ёки телефон уйнаб тили чиққан бола билан онаси ёки бувиси китобдан қўқиб берадиган эртакларни тинглаб тили чиққан боланинг сўз бойлигида катта фарқ борлигини аллақачон исботлаган. Уларнинг нафақат сўз бойлиги, дунёқараши, атрофини идрок қилиши, тафаккур ва таҳлили ҳам анча юқори поғонада бўлади.

Ҳаётимизда кенг тарқалган икки муҳим ахборот ва маданият манбан бор — китоб ва телевизор. Ҳар иккисининг инсон маънавияти, билими ва дунёқарашига таъсири бениҳоят катта. Натижа эса улардан қандай фойдаланишга боғлиқ. Китоб билим бунёдкори бўлса, телевизор ахборот кўзгусидир. Меъёрида ва мақсадли фойдаланиш инсон камолоти учун жуда муҳим.


Улардан ҳар бирининг фойдали ва зарарли жиҳатлари мавжуд. Китоб — билим манбаи, инсонга билим, тажриба ва ақл беради. Уни ўқиш орқали инсон мустақил фикр юриштири ўрганади. Тасаввурни кучайтиб, ҳаёлот олами ривожланади. Нутқни бойитади — сўз бойлиги, ифода қилиш маҳорати ошади. Мутлола инсонни диққатли ва сабрий қилиб тарбиялайди.

Телевизор эса ахборотни тез ва кенг тарқатади: дунё янгиликлари, илмий кўрсатувлар,

ҳужжатли фильмлар шулар жумласидан. Серналлар, шоу ва мусиқа дастурлари дам олишга ёрдам беради. Қайсидир маънода онлайин ҳамжиҳатликни таъминлайди. Айниқса, болаларда тасвир орқали тушуниш ва идрок қилиш кўникмасини шакллантиради.

Юртимизда телевизор кўрганга ёки телефон титқиланганга рағбат йўқ, аммо китоб мутлоласи учун ҳукумат даражасида жуда катта эътибор қаратилмоқда, имтиёзлар берилмоқда. Соврини автомобиль бўлган республика миқёсидаги танловлар ўз йўлига. Қувонарлиси, вилоят, туман, маҳалла ва таълим муассасаларида ҳам китобхонлик мусобақалари кўпайиб борапти. Турли ёшдаги зуркко ва билимли юрдошларимиз муносиб тақдирланмоқда. Бундан мақсад одамларни, айниқса, ёшларни мутлолага қизиқтириш, кўпроқ китоб ўқишга йўналтириш экани дилларга ёруғлик индиримоқда.

Маили-да, маҳаллада “Маърифатли она” китобхонлик танлови ғолибига коммунал тўловлар учун энгиллик берилса, “Китобхон талаба” айрим имтиҳонлардан озод этилса, нимаси ёмон? Китоб одамни улуглайдиган, маънавият ҳамда маърифат асосларини шакллантирадиган, комил инсон қилиб тарбиялайдиган куч, дунёни танитиш воситаси экан, унинг тарғиботидан чарчаш ва чалғиш бизга ярашмайди. Буни биз — катталар муайян маънода тушуниб, англаб олгандиримиз, аммо галдаги вазифа китобнинг фойдасини ёш авлодга ҳам билдириш, англаштириш бўлиши керак.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

— Интернет ҳам, телефон ёки киносерналлар ҳам китоб ўқишининг завқ-шавқини беролмайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров. — Чунки китоб ўқиш жараёнида инсоннинг қалби ва онги таъсирланиб, дунёқараши бойиб, тафаккури кенгайди. Бироқ шунчаки ўқиш эмас, балки мақсадли ва танланган китобларни ўқиш муҳим. Ақс ҳолда, вақтни беҳуда кетказиш ёки нотўғри ғояларга мойил бўлиш хавфи ҳам мавжуд. Дунёда китоб ўқишдан бошқа ҳузурбахш машғулот йўқ ва буни баралла айтиш лозим.

Шоир ёзади:

Қул бўлма куёшга — куйиб кетасан,
Қул бўлма кўз ёшга — тойиб кетасан.
Саждо қил, майлига, кези келганда
Китобга қул бўлсанг, бойиб кетасан!

Ҳа, буюк олимлар китобхонлик ҳақида фикр билдирар экан, адабиёт билан ошно қалбга ҳеч қачон ёмонлик ин қўрмаслигини, доимо яхшилик, эзулик ҳамроҳ бўлишини таъкидлайди. Китоб ўтмишини бугун ва келажак билан боғлайдиган ўзига хос кўпирк. Шу боис, китобнинг маънавий мерос, туғанмас хазина дейилиши ҳам бежиз эмас. Ҳақиқий китобни қадрлайдиган инсонларнинг унинг қийматини англаб етган. Зеро, дунёга теран кўз, уйғоқ қалб билан боқиш, аввало, китоблар орқали кечади.

Очиги, ушбу мулоҳазаларга америкалик ёзувчи, бизнес-мураббий, йирик тадбиркор ва инфобизнес соҳасидаги илк мутахассислардан бири Ден Кеннеди ирод қилган нутқлардан биридаги қуйидаги иқтибос туртки берди: “Кичкина телевизор ва катта кутубхонаси бор кишилар — бой, катта телевизор ва кичик кутубхонаси борлар эса қашшоқлардир”.

Бу фикрга сиз нима дейсиз? Биз қайси тоифага киримиз?

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири